ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРА АЛИШЕРОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 336.77(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economical Sciences

Абдуллаева Севара Алишеровна
Тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўллари 3

Абдуллаева Севара Алишеровна
Пути укрепления платежеспособности коммерческих банков ……..…… 25

Abdullayeva Sevara
Ways of strengthening the solvency of banks……...….... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...….…..... 51

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРА АЛИШЕРОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Iqt415 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Омонов Акром Абдиназарович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Норбой Ғаниевич** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Додиев Фозил Ўткирович иқтисодиёт фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____куни соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2018 йил «___»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда халқаро майдонда тижорат банклари тўлов қобилиятини ошириш ҳамда мижозларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Мазкур жараён бугунги кунда дунёда кечаётган қатор ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири остида давом этмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда банкларнинг рискли активлари таркибида муаммоли кредитлар ҳажмининг 1,5 фоиздан 2,0-2,3 фоизгача кўтарилиши, банк ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағлар улушининг 60-70 фоиздан 50 фоизгача пасайиши, молия ва пул бозорларида ресурслар нархининг 1-1,5 баробарга ортиши, ривожланган мамлакатларда акциялар, хусусий ва акциядорлик корпорациялар кредит ва инвестициялари суммаси мамлакат ЯИМнинг номинал суммасидан 2-2,5 баробардан зиёдни ташкил этиши, дунёнинг қатор мамлакатлари ички ва ташқи қарзининг мамлакат ЯИМнинг 60 ва ундан юқори фоиздан иборат эканлиги кабилар шулар жумласидан[1].

Халқаро амалиётда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича мамлакат марказий банклари, мегорегуляторлари, шунингдек халқаро Базель қўмитаси янги норма ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, халқаро доирада сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг беқарорлиги, банклар капитали таркибида беқарор маблағлар улушининг сақланиб қолаётганлиги, муддатли ва рискли активлар ўртасида ўзаро мувозанатни таъминламаганлиги каби йўналишдаги илмий муаммоларнинг ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, тижорат банклари ва уларнинг иқтисодий ҳамкорлари ўртасидаги ўзаро ишончни янада ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Буларнинг барчаси тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўлларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган самарали иқтисодий ислоҳотлар банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, банкларнинг трансформацион рискларини бартараф этиш, молиявий маблағларга бўлган талабини узлуксиз ва тўлиқ таъминлаш, банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича маблағлар тақчиллигини бартараф этиш ва ликвидлилигини ошириш, иқтисодиётда монетизация коэффициентини босқичма-босқич халқаро нормалар даражасига етказиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини

[1] International Financial Statistics. IMF, January, 2018. www.imf.org

мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»[2], шунингдек «валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш»[3] зарурлиги эътироф этилди. Шунингдек, 2017 йил сентябрдан «банкнинг тўлай олиш қобилиятидан келиб чиқиб, кредитлар бўйича муддатлар ва фоизлар ставкаларини белгилаш ҳамда зарар кўриб ишлаётган ташкилотларни кредитлаш амалиётини тугатиш»[4] уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади ва ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 сентябрдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли, 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли ва 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банклар тўлов қобилиятини мустаҳкамлашнинг айрим назарий жиҳатларини хорижий иқтисодчи олимлар Э.Долан, П.Роуз, Ж.Синки, К.Кэмпбелл, Р.Кэмпбелл, К.Барлтроп, Д.МакНотон, О.Лаврушин, И.Ларионова, В.Усоскин, В.Колесников, Г.Пановаларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин[5].

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 8-иловаси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастури.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

[5] Долан Э. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. М: Кемпбелл, 1996. – 448 с.; Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М: Дело, 1997. – 768 с.; Синки Ж. Управление финансами в коммерческих банках. Пер. с англ. – М: Catailaxy, 1994. – 820 с.; Колесников В. и др. Банковкое дело. – М: «Финансы и статистика». 1995. – 480 с.; Панова Г. Кредитная политика коммерческого банка. – М: МКЦ, 1997. – 464 с.; Усоскин В. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М: Антидар, 1998. –

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Бобоқулов, Т.Қоралиев, А.Омонов, О.Саттаров[6] ва бошқалар ўз илмий тадқиқотларида тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш, ресурсларни шакллантириш, банк активлари ва пассивларини самарали бошқариш каби масалалар атрофлича тадқиқ қилинган.

Жумладан, А.Омоновнинг докторлик диссертациясида тижорат банклари молиявий ресурсларини барқарор молиявий манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масалалари тадқиқ этилган. О.Саттаровнинг илмий ишида тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришда тижорат ссудаларининг назарий ва амалий масалалари тадқиқ қилинган. Профессор Т.Қоралиевнинг илмий тадқиқотида банк мижозлари кесимида тўлов ва ҳисоб-китоб жараёнини илмий асосда ташкил этиш ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, ўзаро тўлов ва ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш орқали банклар тўлов қобилиятини мустаҳкамлашнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида кўриб чиқилган ёндашувлар бир-бирига зид ҳисобланмайди, чунки улар турли молиявий вазиятда банклар молиявий барқарорлигини таъминлашни тавсифлаган ҳолда бир-бирини тўлдиради. Бироқ, номлари қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан банкларнинг бевосита тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ илмий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган, аниқроғи, мазкур масала ҳозирги кунга қадар комплекс ва тизимли равишда тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент молия институтининг «Ўзбекистон молия-кредит тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг концептуал асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади банклар тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«банк тўлов қобилияти» иқтисодий категориясини илмий жиҳатдан асослаш ҳамда унинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

банк тўлов қобилияти билан банкнинг асосий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни назарий жиҳатдан асослаш, бу борада халқаро банк амалиёти тажрибасини ўрганиш ҳамда банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

---

320 с.; Ларионова И. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – М: «Консалтбанкир», 2003. –272 с.; Лаврушин О. Банковское дело. Учебник. 2-е издание. – М: Финансы и статистика, 2005. – 672 с.

[6] Абдуллаева Ш. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2000. – 46 б.; Бобоқулов Т. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. ... дисс. автореф. –Тошкент: БМА, 2008. – 36 б.; Қоралиев Т., Саттаров О. ва бошқ. Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2013. – 192 б.; Омонов А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 36 б.

банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни мамлакатдаги айрим тижорат банклари амалиётида қўллаш бўйича тавсияларни шакллантириш;

банклар тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз банклари тўлов қобилияти ҳолатини эмпирик тадрижий таҳлили асосида унинг устувор йўналишларини белгилаб бериш;

банклар тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил, динамик қаторлари каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш учун банк капиталининг таркибида конверсион капитал буферини шакллантириш зарурлиги асосланган;

банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлиги уларнинг рискка тортилган активлари сифатига бевосита боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, банк кредитларини муддатли маблағлар ҳисобидан амалга ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашда муаммоли кредитлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш суммаси амалдаги талабдан кам ҳолларда захира суммаларини ошириш тавсия этилган;

банкларнинг хорижий валюталар бўйича тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида уларнинг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржалари листингларига киритилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банкларнинг ликвидли маблағлари ва муддатсиз депозитлари ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлаш орқали уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган;

банкларнинг валюта тўловлари бўйича тўлов қобилиятини ошириш мақсадида уларнинг қимматли қоғозларини хорижий субъектларга сотиш йўллари таклиф этилган;

банкларнинг мажбуриятлари таркибида муддатли маблағлар улушини ошириш орқали уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш таклифи берилган;

тўлов қобилияти ва банк ликвидлилиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва фарқлар кўрсатиб берилган ҳамда тўлов қобилияти алоҳида категория эканлиги асосланган;

банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган ва айрим банклар амалиётида жорий этилиб, тегишли натижалар олинган;

банкларда кўзда тутилмаган зарарларни қоплаш мақсадида етарли даражадаги захира суммаларини шакллантириш таклифи берилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган таҳлил ва усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аниқ меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий нормативлар ҳамда тижорат банкларининг баланс ҳисоботлари, йил якунлари бўйича расмий аудит хулосалари маълумотларидан фойдаланганлиги, шунингдек, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация доирасида шакллантирилган ишланмалардан тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўлларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг республика тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш ва уни такомиллаштиришга хизмат қиладиган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўллари бўйича ишлаб чиқилган қатор услубий ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси банк тизимига жорий этилган. Хусусан:

тижорат банкларининг Базель III андозаларига асосан молиявий ва иқтисодий танглик даврларида вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мақсадида консервация капитал буферини шакллантириш бўйича таклиф Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги (рўйхат рақами: 2693-сон, 06.07.2015 й.) Низомнинг 34-моддасига киритилган (Марказий банкнинг 2017 йил 1 мартдаги 17-22/28-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида тижорат банкларининг капитали 2016 йилнинг 1 январидан 2017 йилнинг 1 январигача бўлган давр ичида 1,5 трлн. сўмга ошган;

банкларда муддатли маблағларнинг рискка тортилган активларга нисбати жуда паст бўлганлигини эътиборга олиб, улар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги (рўйхат рақами: 2709-сон, 13.08.2015 й.) Низомнинг 8-моддасига татбиқ этилди (Марказий банкнинг 2017 йил 1 мартдаги 17-22/28-сон ва «Савдогар» банкнинг 2016 йил 6 декабрдаги 06/3350-1-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида 2016 йил 1 январдан 2017 йилнинг 1 январигача бўлган давр ичида тижорат банкларининг ликвид маблағлари

36 млрд. сўмга, «Савдогар» банкнинг муддатли депозитлари 20,0 млрд. сўмга ортган;

банкларнинг рискли активлари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ажратмалар меъёрлар бўйича шакллантирилган бўлсада, лекин ҳақиқатда йўқотишлар ҳажми юқори бўлиши маълум бўлса, захира суммалари шунга мос даражада шакллантирилиши лозим ва улардан фойдаланишда банк Кенгаши ва Бошқарувининг масъулиятини ошириш лозимлиги бўйича таклифи Марказий банкнинг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами: 2696-сон, 14.07.2015 й.) Низомнинг 37 ва 49-моддаларида қўлланилган (Марказий банкнинг 2017 йил 1 мартдаги 17-22/28-сон маълумотнома). Бунинг натижасида 2016 йилнинг 1 январдан 2017 йилнинг 1 январигача бўлган давр ичида тижорат банклари рискли активларининг эҳтимолий йўқотишлар бўйича шакллантирадиган захиралари ҳажми 15,4 млрд. сўмга ошган. Бу эса банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган;

тижорат банкларининг хорижий валюталар бўйича тўлов қобилиятини ошириш мақсадида уларни халқаро фонд биржаларининг листингларига кириш ва қимматли қоғозларини хорижий субъектларга сотишга эришиш лозимлиги ҳақидаги таклиф «Савдогар» банкнинг амалиётига жорий этилди (2016 йил 6 декабрдаги 06/3350-1-сон маълумотнома). Бу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг хорижий инвесторларга сотилган акциялари миқдори 2016 йилда 7,6 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола (11 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Банклар тўлов қобилиятининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида банклар тўлов қобилиятининг назарий асослари ва иқтисодий моҳияти ёритилган, шунингдек, банклар тўлов қобилиятининг иқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда банклар тўлов қобилиятини таъминлашнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай молиявий муассасанинг, айниқса, банклар тўлов қобилиятининг таъминланганлиги ва мустаҳкамлиги жуда муҳим ҳисобланади. Биргина тижорат банкининг тўловга лаёқатсизлик ҳолатига тушиб қолиши натижасида унинг минг-минглаб мижозлари ва омонатчиларининг пул ўтказмалари ҳамда молиявий ҳолати билан боғлиқ зиддиятлар вужудга келади. Бу ўз-ўзидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида турли даражадаги тебранишларнинг содир бўлишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар тўлов қобилиятини таъминлаш ва мустаҳкамлиги каби масалалар халқаро ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассислар томонидан тизимли равишда тадқиқ этилмаган, асосий эътибор банкларнинг иқтисодий нормативларни бажарганлигига қаратилган. Тижорат банклари ликвидлилик талабларини бажарган бўлсада, тўловга лаёқатсиз бўлиши мумкинлиги амалиётдаги ҳолатлардан маълум бўлмоқда.

Маълумки, агар банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаса ёки қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилса ва ушбу маблағни зудлик билан жалб қилиш имконияти бўлса, унда банкнинг тўловга қобилиятини таъминлаш мумкин бўлади. Агар банк ўз мижозларининг нақд ва нақдсиз маблағларга бўлган талабини қондира олмаса, унда банк тўловга қобилиятсиз ҳолатга тушиб қолади.

Тадқиқотлар натижасида шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдикки, банклар тўловга қобилиятсиз бўлган бир пайтда улар ликвидлилиги таъминланган бўлиши мумкин. Масалан, банкларнинг ликвидлилик даражаси 2016 йил якунлари бўйича 64,4 фоизни ташкил этди, бу талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар ортиқ[7] бўлган бир пайтда 2016-2017 йилларда «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Ипотекабанк»ларнинг жойлардаги филиаллари вакиллик ҳисобварақларида пул таклифидаги тақчиллик, яъни тўловга қобилиятсизлик ҳолатлари мижозларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Бундан кўринадики, Марказий банкнинг ликвидлилигини аниқлаш

[7] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

бўйича жорий этилган талабларда тижорат банклари вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобга олинмаганлиги ҳам бунга таъсир қилади[8].

Банкларнинг тўлов қобилияти хусусида гап кетганда, аввало, «тўлов қобилияти»нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тўлов» сўзига қуйидагича таъриф берилган: «Бирор мажбурият юзасидан ёки қарор, қонун ва ш.к.га мувофиқ тўланадиган пул, маблағ ёки нарса», «қобилият» сўзига эса «бирор ишга қобиллик, яроқлилик; бирор ишни бажара, қила олиш хусусияти, лаёқати»[9], дея таърифланган.

А.П.Градова ва Б.И.Кузиналар: «тўлов қобилияти корхонанинг ўз мажбуриятларини бажариши, яъни қарзларини ўз вақтида ва зарурий миқдорда қайтариш қобилиятидир»[10] деб таъриф беришган.

М.Я.Коробов: «Тўлов қобилияти – корхонанинг кредиторлар билан ўз вақтида тўлов муддати келиши биланоқ зудликда ҳисоблашиши»[11], деган фикрни илгари сурган бўлса, М.З.Бор ва В.В.Пятенколар: «Тўлов қобилияти - юридик ёки жисмоний шахснинг барча турдаги қарзларини ўз вақтида тўлови»[12], деб таъкидлашган.

Юқорида билдирилган фикрларни тўлиқ ҳолда банклар фаолиятига татбиқ этиш мумкин, чунки банклар ҳам тижорат корхонасидир.

Тадқиқотлар натижасида хориж ва мамлакатимизда чоп этилган иқтисодий адабиётларда «банк ликвидлилиги» ва «банклар тўлов қобилияти» каби иқтисодий категория ҳамда тушунчалар ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ва фарқлар етарлича очиб берилмаганлиги маълум бўлди. Аксинча, айрим манбаларда уларнинг моҳияти бир-бири билан қориштириб юборилган. Ҳатто, «ликвидлилик» ва «тўлов қобилияти» тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор, ушбу категорияларни таҳлил қилишда нима бирламчию, нима иккиламчи, деган саволларга ҳам аниқ жавоб мавжуд эмас.

Фикримизча, бунинг қатор сабаблари мавжуд бўлиб, **биринчидан**, амалиётда банклар тўлов қобилиятини аниқлашнинг аниқ тартиби ва мезонлари жорий этилмаган, **иккинчидан**, банклар тўлов қобилияти ликвидлилик сифатида қараб келинган[13].

АҚШлик иқтисодчилар Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кэмпбелл ва Розмари Дж.Кэмпбеллар банклар тўлов қобилияти бўйича фикр юритганда уларнинг

---

[8] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом. (АВда 2709-сон билан рўйхатга олинган, 2015 йил 13 август).

[9] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.- 4 жилд, 234-б., 5 жилд, 317-б.

[10] Стратегия и тактика антикризисного управления фирмой/ Под общей ред. проф., д.э.н. А.П.Градова и проф., д.э.н. Б.И.Кузина. – Санкт-Петербург: Специальная литература, 1996. – 510 с.

[11] Коробов М.Я. Финансово-экономический анализ деятельности предприятий: Учебник. – Об-во «Знание», КОО, 2000. – 378 с.

[12] Бор М.З., Пятенко В.В. Менеджмент банков: организация, стратегия, планирование. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997г. – 288 с.

[13] Ваҳоланки, ликвидлилик иқтисодий категория сифатида тўлов қобилиятидан жиддий фарқланиши, уларнинг амал қилиш объекти ва доираси турли-туман эканлигига эътибор қаратилмаган. Масалан, банк Марказий банкнинг иқтисодий меъёрларида белгиланган талаблари бўйича ликвидли бўлиши мумкин, лекин мижозлар олдида ўз мажбуриятларини бажара олмаса тўловга қобилиятсиз ҳисобланади.

тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолмасликларига эътибор қаратишган. Хусусан, улар: «Тўловга қобилиятсиз банк (insolvent bank) – ушбу банкнинг депозитлар ва қарз мажбуриятлари суммасининг йиғиндиси активлар ҳажмидан ортиб кетишидир»[14], дея таъкидлашади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан банклар тўлов қобилияти бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган бўлсада, банк ликвидлилиги ва уни таъминлаш борасида қатор илмий асарлар яратилган. Хусусан, А.Омонов: «Ликвидлик – банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир»[15], дея таъриф берган.

Профессор Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра: «Ликвидлик атамаси сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к.ларни англатади»[16].

Диссертация ишида хорижлик ҳамда ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан «банк тўлов қобилияти» тушунчасига аниқ таъриф берилмаганлигини эътиборга олиб, амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: «Банк тўлов қобилияти – банкнинг мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлган юқори ликвид маблағлар билан таъминланганлиги».

Маълумки, тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан бири – мамлакат иқтисодий ривожланишида молиявий воситачи сифатида иштирок этиб, аҳоли ва корхоналарнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ҳамда уларни кредит ва инвестиция шаклида иқтисодиёт тармоқлари бўйича қайта тақсимланишини таъминлашдан иборат.

Шу орқали улар мавжуд капиталнинг: миллий иқтисодиётнинг паст самарали тармоқларидан рақобатбардош тармоқларига оқиб ўтишига таъсир кўрсатади; акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозларни муомалага чиқаради; депозит мультипликацияси ёрдамида иқтисодиёт учун зарур бўлган сармоялар, яъни инвестиция маблағлари ҳажмининг кўпайишини таъминлайди.

Айтиш жоизки, бу жараёнларнинг амалга ошиши бевосита банкнинг молиявий барқарорлиги, унинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига боғлиқ. Булар эса, ўз навбатида, қўйидаги ташқи ва ички, бевосита ва билвосита омиллар билан алоқадор (1-расм).

1-расмдаги омиллар гуруҳи умумий бўлиб, банк тўлов қобилиятига ўз таъсирини бевосита ва билвосита ўтказади. Ҳар бир гуруҳ омиллар нафақат бир-бири билан боғлиқ, балки ҳар бир гуруҳнинг таркибий қисмлари ҳам ўзаро боғланган ҳолда ўзгаради. Хусусан, ликвидлилик даражаси активлар

---

[14] Долан Э., Кэмпбелл К., Кэмпбел Р. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Общ. ред. канд. экон. наук В.В.Лукашевича. Москва-Ленинград: ПФК «Профико», 1991. – С.436.

[15] Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2010. – 43-б.

[16] Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. – 319-б.

таркибидаги мутаносибликнинг таъминланганлигига боғлиқ бўлса, тўлов қобилияти банкнинг ўз капитали ва мажбуриятлари таркибидаги мутаносибликнинг оқилона шаклланганлигига боғлиқ.



1-расм. Банк тўлов қобилиятига таъсир этувчи омиллар[17].

Расмдан кўриниб турибдики, банкнинг тўлов қобилиятини таъминлаш ва унинг мустаҳкамлигини оширишга қатор иқтисодий кўрсаткичлар таъсир қилади. Банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини аниқлашда қуйидаги асосий мезонлар белгиланган талабларга жавоб бериши лозим:

банк юқори ликвидли маблағларга етарли даражада эга бўлиши;

банк капитали етарлилигига қўйилган талабларнинг бажарилиши;

банкнинг муддатли маблағлари ва рискка тортилган активлар ўртасида ўзаро мувозанатнинг таъминланиши;

банкнинг рискли активлари бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш бўйича захира маблағларини шакллантириш;

банкнинг ликвидли маблағлари ва муддатсиз депозитлари ўртасидаги нисбатнинг таъминланиши;

[17] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

банк фаолияти самарадорлиги ва рентабеллигининг таъминланиши.

Хориж амалиётида банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлиги мамлакат Марказий банки томонидан назорат қилинади ва тартибга солинади. Шу билан бирга, айрим ривожланган мамлакатларда мустақил мегорегуляторлар банклар фаолияти устидан тегишли назоратни амалга оширади, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва тартибга солиш ишлари билан шуғулланади.

Уларни мамлакатдаги молиявий муассаса ва банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш, тартибга солиш ва назоратини амалга ошириш нуқтаи назардан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Германия модели, ташкил этилган махсус назорат органи фақат банкларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорати билан шуғулланади. Масалан, Германияда Федерал молиявий назорат муассасаси (BAFin) мазкур фаолият билан шуғулланади.

2. Англия модели. Турли молия секторлари (суғурта компаниялари, банк муассасалари, фонд бозорлари) фаолиятини тартибга солиш ва назорати билан мегорегуляторлардан фойдаланилади. Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини назорат қилиш эса тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботларни текшириш асосида амалга оширилади.

3. Америка модели. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назоратини амалга ошириш функционал жиҳатдан эмас, балки мақсадли тамойилга асосланади. Масалан, банклар миллий тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш билан Федерал захира тизими (ФЗТ) шуғулланса, кредитор ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа тартибга солувчи органлар зиммасидадир. (Масалан, Депозитларни суғурта қилиш Федерал корпорацияси)[18]. Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, банкнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг мустаҳкамлиги бўйича шубҳали ҳисобланган банклар инспекторлар томонидан жойига чиқиб, назоратдан ўтказилади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон банклари тўлов қобилияти ва асосий тенденциялари»** номли иккинчи бобида банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигига баҳо беришнинг тартиби ишлаб чиқилган ва «Ўзсаноатқурилишбанк», «Савдогар» ҳамда «Ипак йўли» банклари фаолиятида татбиқ этилган. Шунингдек, банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлиги билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва ечимлари таклиф этилган.

Банклар ликвидлилиги, капиталнинг етарлилиги, молиявий барқарорлиги ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларига баҳо берилганда бош банк объект сифатида олинади. Бироқ, масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, банк бўлимларининг иқтисодий кўрсаткичлари ва тўлов қобилияти билан боғлиқ масалалар заиф бўлсада, бош банкнинг «соясида жон сақлайди». Бунинг натижасида банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш

[18]Плетнева Е.Ю. Перспективы развития надзорной деятельности Банка России. //Юридические науки. 2006. №7. С.26.

ва тўловга лаёқатлилиги билан боғлиқ муаммолар бош банкларнинг жойлардаги бўлимларда долзарблигини йўқотмайди.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб, диссертация ишининг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасига таяниб, уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди. Банкларнинг тўлов қобилиятига бериладиган баҳо таклиф этилаётган тартиб асосида аниқланиб, тўртта классга гуруҳланган ҳолда берилади.

Бунда банкнинг фаолияти билан боғлиқ қатор мезонларга тегишли баллар берилиб ва тегишли классларга гуруҳланади. Йиғилган умумий балларнинг йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда банкларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

юқори даражада тўлов қобилиятига эга бўлган банклар;

ўрта даражада тўлов қобилиятига эга бўлган банклар;

паст даражада тўлов қобилиятига эга бўлган банклар;

тўлов қобилиятга эга бўлмаган банклар.

Шунингдек, тижорат банклари тўлов қобилиятини баллик усулда аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар тизими ва мезонлар асос қилиб олинади (1-жадвал).

1-гуруҳ. Банк ликвидлилигининг таъминланганлиги. Ушбу гуруҳ бўйича банкнинг ликвидлилиги таъминланганлигига бериладиган энг юқори балл 20 баллдан иборат. Маълумки, Марказий банкнинг банкларнинг ликвидлилигига қўйилган талаблари уларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари мижозларнинг 30 кунгача сақланадиган маблағларига нисбатан 30 фоиз ҳажмида бўлиши белгилаб қўйилган. Бироқ, бизнинг назаримизда, тижорат банкларида ушбу даража бажарилган ҳолда ҳам банк юқори даражада тўлов қобилиятига эга бўлмайди. Тижорат банки ликвидлилик даражаси таъминланганлигини тавсифловчи дифференцияланган балларни, яъни энг юқори ва энг паст балларни белгилаш лозим.

2-гуруҳ. Банк капиталининг етарлилиги. Ушбу мезон бўйича ҳам банкнинг тўлов қобилиятини баҳолашда бериладиган энг юқори балл 20 баллдан иборат. Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банки Марказий банк томонидан умумий капитал ва асосий капиталга қўйилган талабни тўлиқ бажариши мумкин, бироқ унинг капитал манбалари беқарор маблағлар ҳисобидан шаклланадиган бўлса ҳам капиталнинг етарлилигини аниқлаш методикаси бўйича банкка энг юқори баллни бериш имконияти бўлмайди.

3-гуруҳ. Банкнинг муддатли маблағлари ва рискка тортилган активлар ўртасидаги нисбат. Ушбу мезон бўйича банкнинг тўлов қобилиятини баҳолашда бериладиган энг юқори балл 10 баллдан иборат. Шуни таъкидлаш лозимки, Марказий банкнинг тижорат банкларига нисбатан бу мезон бўйича ўрнатилган иқтисодий норматив мавжуд эмас. Шу сабабли, мамлакатимиз тижорат банкларида муаммолар мавжуд бўлиб, бу масала юзасидан мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ўз тадқиқот ишларида тегишли тавсияларни илгари сурганлар.

1-жадвал

Банк тўлов қобилиятини баҳолаш тартибининг асосий кўрсаткичлари бўйича баллаш мезонлари[19]

Мезонлар	20 балл	10 балл	5 балл
1. Банк ликвидлилигининг таъминланганлиги			
Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлилигига ўрнатилган талабнинг бажарилганлик даражаси	100 фоиз	50 фоиз	30 фоиз
Зарур бўлганда қўшимча ликвид маблағларни зудлик билан Марказий банк, банклараро кредит ва бошқа манбалардан жалб қилиш имкониятининг даражаси	юқори	ўртача	паст
Инвестицияларнинг асосий қисми жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг ликвидлилик даражаси	юқори даражада ликвидли	50 фоизи ликвидли	30 фоизи ликвидли
Мамлакатда иккиламчи қимматли қоғозлар бозори ва пул бозорининг амал қилиш даражаси	фаол амал қилади	ўртача даражада амал қилади	деярли амал қилмайди
2. Банк регулятив капиталининг етарлилиги			
Умумий капитал ва асосий капиталга қўйилган талабнинг бажарилганлик даражаси	100 фоиз ва ундан юқори	80-100 фоиз ўртасида	80 фоиздан паст
Банк капитали таркибида реал қийматга эга бўлмаган (беқарор) маблағлар манбасининг даражаси	мавжуд эмас	20 фоиз	30 фоиздан юқори
3. Банкнинг муддатли маблағлари ва рисска тортилган активлар ўртасидаги нисбат			
Банкнинг муддатли маблағлари ва рисска тортилган активлар ўртасидаги нисбат	0,8 га тенг	0,4 га тенг	0,4 дан паст
4.Банкнинг рискли активларининг сифати			
Яхши кредитлар	камида 90 фоиз	камида 80 фоиз	70 фоиз
Стандарт кредитлар	5 фоиз	10 фоиз	10 фоиз
Субстандарт кредитлар	5 фоиз	5 фоиз	10 фоиз
Шубҳали кредитлар	0 фоиз	3 фоиз	5 фоиз
Умидсиз кредитлар	0 фоиз	2 фоиз	5 фоиз
Муаммоли кредитлар	0 фоиз	5 фоиз	10 фоиз
5. Банкнинг ликвидли маблағлари ва муддатсиз депозитлари ўртасидаги нисбат			
Банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари ва муддатсиз депозитлари ўртасидаги нисбат	0,3	0,5	0,7 ва ундан пастда
6. Банк фаолияти самарадорлиги ва рентабеллиги			
Соф фойданинг даромадлар таркибидаги улуши (БСР1)	min-0,20	min-0,10	х
Банк харажатларининг банк даромадларига нисбати (БСР2)	min-0,80	min-0,40	х
Фоизли даромадларнинг жами даромадлар таркибидаги улуши (БСР3)	min-0,70	min-0,45	х
Активларнинг қайтими (ROA = Соф фойда/ активлар) (БСР4)	min-0,005-max-0,010	min-0,003-max-0,005	х
Капитал қайтими (ROE = Соф фойда/капитал) (БСР5)	min-0,10	min-0,05	х

[19] Жадвал муаллиф томонидан тузилди.

4-гуруҳ. Банк рискли активларининг сифати. Марказий банкнинг 632-сонли йўриқномасига асосан тижорат банклари активлари яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз тарзда таснифланади ҳамда улар бўйича зарур миқдордаги захиралар шакллантирилиши талаб этилади. Банклар тўлов қобилиятини баҳолашда таклиф этилаётган тартибда Марказий банкнинг ушбу талаблари билан бирга муаммоли кредитлар салмоғи ҳам эътиборга олинади.

5-гуруҳ. Банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари ва муддатсиз депозитлари ўртасидаги нисбат. Тижорат банклари тўлов қобилиятини баҳолашнинг ушбу тартибида банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ва мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳисобварағидаги маблағлар ўртасидаги нисбат даражаси эътиборга олинади. Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлилигига қўйилган талабларга биноан 30 кунгача сақланадиган маблағларга нисбати 30 фоизгача бўлиши мазкур тартибда ушбу муддатда ўрнатилмайди.

6-гуруҳ. Банк фаолияти самарадорлиги ва рентабеллиги (БСР). Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолият қўшимча фойда олишга қаратилади, чунки фойда иқтисодий категория сифатида субъектнинг ривожланиши, хизмат сифатининг ортиши, баҳоларнинг барқарорлашуви ва рақобат муҳитининг вужудга келишига имконият беради. Шу жиҳатдан, банк фаолияти самарадорлиги ва рентабеллиги қанчалик юқори бўлса уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига билвосита ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг тўлов қобилиятини баҳолаш тартиби асосида шакллантирилган балларнинг умумий йиғиндисига кўра, қуйидаги даражалар берилади ва классларга гуруҳланади (2-жадвал).

2-жадвал

Банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бериладиган даража ва уларнинг классларга гуруҳланиши[20]

Умумий баллар	Тўловга қобилиятлилик даражаси	Класс
90-120	*Юқори даражада тўлов қобилиятига эга бўлган тижорат банки*	*1-класс*
60-89	*Ўрта даражада тўлов қобилиятига эга бўлган тижорат банки*	*2-класс*
30-59	*Паст даражада тўлов қобилиятига эга бўлган тижорат банки*	*3-класс*
0-29	*Тўловга қобилиятсиз тижорат банки*	*4-класс*

Тижорат банклари тўлов қобилиятини баҳолашнинг ушбу тартиби бош банклар ва уларнинг бўлимларида ҳам қўлланилиши мумкин. Бироқ форс-мажор ҳолатларда шаклланган молиявий беқарорлик ёки мезонларнинг бажарилмаслиги банкнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашга асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Банк бўлимлари тўлов қобилиятини аниқлашда баҳолаш тартибининг 2-гуруҳдаги «Банк капиталининг етарлилиги» билан боғлиқ мезонлар ва баллар учун бош банкда шакллантирилган баллар асос сифатида қабул қилинади.

[20] Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

